O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 11-dekabr • Seshanba • 150 (27.795) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.**

## Инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқи кафолати 2

Соҳибқирон Амир Темур тузукларига шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат сифатида қаралди. Шунинг учун ҳам «Темур тузуклари», Навоий «Хамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбалар мазмуни ҳам Конституциямиз матнига сингдирилди.

## Йўл қур, кўприк сол, 3

умринг узаяди, дейди кексалар. Ҳақ гап!

Албатта, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Бизда олдинлари 30 фоизгача ишларимиз харажатларини автотранспорт харажати ташкил этарди. Кейин биз «Қашқадарёавтотранс» бирлашмаси билан ҳамкорликда иш тутиб, масалани ижобий ҳал этиш йўлларини қидирдик.



## Чемпион — Ўзбекистон кубоги соҳиби 4

Финалда пахтакорчилар мавсум кашфиёти бўлган «Қурувчи» (Тошкент) жамоасига қарши майдонга тушдилар. Шиддатли ёмғир остида кечган ҳал қилувчи баҳснинг асосий ва қўшимча вақтида ҳисоб очилмади — 0:0. Натижада...





# Истеъдодларга тасанно!

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театрида ёш иқтидорларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

«Тасанно» деб номланган мазкур тадбирга 2006-2007 йилларда юртимиз ҳамда хорижда ўтказилган нуфузли мусиқий анжуманлар, фестиваль ва концертларда муваффақиятли иштирок этган иқтидорли ёшлар, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсон бўлиб вояга етказишга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари, фармон ва қарорлар ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, саломатлигини мустаҳкамлаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

Ўғил-қизларнинг истеъдод қирраларини ўз вақтида аниқлаш, қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун яқиндан кўмаклашиш, бу йўналишда зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш ана шундай эзгу ишларнинг ажралмас қисмидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йилнинг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг янада кенг қулоч ёйишига хизмат қилади.



2006-2007 йилларда республикамиз ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган кўрик-танловлар, фестивалларда бир юз қирқ нафарга яқин ўғил-қиз совриндор бўлгани бу йўналишда кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги самарасидир. Улар орасида юртимизнинг мусиқа санъатига ихтисослашган академик лицей ва коллежлари, олий таълим муассасаларида билим олаётган Тоҳиржон Асқаров, Беҳзод Жўраев, Рустам Абдиев, Интизор Абдуллаева, Алибек Қудеяров, Аъзамхон Аҳмедов, Дониёр Қодиржонов, Альбина Шарафеева, Станислав Шин каби умидли ўқувчи ва талабалар бор.

Тадбирда мусиқа, театр, рақс санъати соҳасида муайян ютуқларга эришаётган иқтидорли ёшларга, уларнинг устозларига Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг сертификатлари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Суратларда:*** *тақдирлаш маросимидан лавҳалар.*
**Муҳаммад АМИН (ЎзА)** **олган суратлар**

Муносабат

# «Ёшлар — орзу умидимиз, ишончимиз ва таянчимиздир»

**Мамлакатимизда 2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Турли касб эгалари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган отахону онахонлар, шифокору ўқитувчилар, ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, таҳририятимизга қўнғироқлар қилишаяпти, мактублар йўллашаяпти...**

**Малика АБДУЛЛАХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик, тиббиёт фанлари доктори, Республика паталогик-анатомия маркази директори:**

— Миллат боқийлиги, шажараларимиз софлиги, сулолаларимизни жисмонан бақувват, маънан соғлом, бир сўз билан айтганда, комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги ёшларга кўрсатилаётган эътиборга, хусусан, уларга кўрсатилаётган малакали тиббий хизматга ҳам боғлиқ.

Тиббиёт ходимларининг бош мақсади — эл соғлиғини муҳофазалаш, айниқса, соғлом авлодни тарбиялашдан иборат. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мавзуи **«Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир»** — деб номланганида катта ҳикмат бор. Юрт эркинлиги ва ободлиги, фаровон ҳаёт энг аввало, миллат саломатлигига боғлиқ. Ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш учун ёшларга кўпроқ эътибор қаратишимиз аён бўлади.

Мен турли миллат ва халқларнинг яшаш тарзи, ҳаёти, урф-одатлари, соғлиққа бўлган муносабатлари билан озмикўпми танишман. Ва шундай ҳаётий фалсафага эга бўлдимки, биз ўзбеклар болажон, меҳр-оқибатли, иймон-эътиқодли бут халқмиз. Халқимиз боласи учун борини аямайди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлод тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келаётганимиз сабаби ҳам ана шунда. Юртбошимизнинг «...ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Ва айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқил, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топишини астойдил ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлиғини бағишлайди.

Лекин мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман» деган қатъий сўзларидан жуда-жуда ҳаяжонланиб кетдим. Дарҳақиқат, ёшлар — худди жўшиб турган асов дарёга ўхшайди. Уларни шу жўшқинлигида парваришлаш, тарбиялаш ва айни кезда авайлаш ҳам керак. Улар бизнинг орзу умидимиз, ишончимиз ва таянчимиздир.

**Суҳбатни Саида САЙХУН ёзиб олди.**

**Одил ШОЙИМОВ, майор, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби:**

— Ҳарбий соҳада асосан ёшлар хизмат қилади. Ватанимиз сарҳадларини, чегараларимизни улар қўриқлайди, ҳимоя қилади. Шу вақтга қадар ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, манфаатларини таъминлаш борасида жуда улкан ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ҳарбий хизматга қизиқиш жуда кучайди. Ўзимиз ва оиламиз ҳар доим давлатнинг эътибори ҳамда ғамхўрлиги остида эканимизни юракдан ҳис қилиб турамиз. Ўйлайманки, бу хушхабар барча ҳарбий хизматчиларни беҳад хурсанд қилди. Мен ўзим ҳали ўттиз ёшга кирмаганман. Берилаётган эътибордан руҳланиб, барча сафдошларим билан Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкам қўриқлаш, халқимиз хотиржамлигини таъминлаш йўлида янада сергак бўлишга ҳаракат қиламиз.

# Истиқлол фарзанди

**Президент стипендианти самарқандлик Феруза Рафиева ҳақида**

**Куни кеча Конституциямизнинг ўн беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз келажагимиз ёшлар қўлида эканлигини яна бир бор таъкидлаб, 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилдилар. Дарҳақиқат, юртимиз иқтидорли ва изланувчан ёшларга бой. Спортда ҳам, санъатда ҳам, хуллас, барча соҳаларда Ватанимиз довруғини дунёга танитаётган иқтидор соҳиблари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Билими, интилиши ва истеъдоди билан мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган ёшларни мукофотлаш учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ҳам ана шундай салоҳиятли ёшларнинг униб-ўсишига катта йўл очмоқда.**

4-бет

Тадбир

# Миллий ғуруримиз рамзи

Ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим белгиларидан бири — бу унинг ўз рамзларига эгалигидир. Халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари давлатимиз рамзларида тўла намоён бўлган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлигида бўлиб ўтган анжуманда шу хусусда сўз борди.

«Давлат мадҳияси — мустақиллик рамзидир» мавзуидаги ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, вазирлик ҳамда қатор идоралар мутасаддилари, олий ўқув юртлари талабалари, таниқли спортчилар иштирок этди.

Анжуманда сўз олган мадҳиямиз муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов ва бошқалар мамлакатимиз суверенитетини ифода этишда давлатимиз мадҳиясининг ўрни ва аҳамияти, унинг яратилиш тарихи ҳамда мадҳияни ижро этиш тартиб-қоидалари ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Ўзбекистон мадҳиясининг бунёдкор халқимизни ягона олий мақсад йўлида бирлаштирувчи маънавий қудрати, унинг миллий ғуруримиз рамзи экани ва ёш авлодни ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтдилар.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

# Фракция йиғилиши

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари биринчи ўқишда киритилаётган «Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров маъруза қилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш ҳамда унинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йилдан бошлаб судларга берилмоқда. Жиноятчиликка қарши кураш усуллари ва методларига таъсир кўрсатадиган жиноий-процессуал қонунчиликка ўзгартиришлар киритиб борилаяпти. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оператив-қидирув фаолиятининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келди. Ушбу қонун лойиҳаси ана шу мақсадда ишлаб чиқилган. Шунингдек, лойиҳада оператив-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш назарда тутилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Комилов сўзга чиқди.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Аммо Бош прокуратура томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болалар жиноятчилигига қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилганда назоратсиз вояга етмаганлар сони, улар томонидан қонунга зид қилмишлар содир этиш ҳолатлари кўпайгани аниқланган. Ҳаёт кечириш учун зарур моддий воситаларга эга бўлмаган қаровсиз болалар ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга мансуб бўлиб, ноқонуний ҳаракатлар содир этишга мойил бўлади. Бундайлар кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар содир этса-да, кейинчалик айрим шахслар улардан ўз манфаати йўлида фойдаланиши, бу эса оғир-оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Қонун лойиҳаси айнан шундай салбий таъсирларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни ноқонуний хатти-ҳаракатларга бошлаганлик учун жазо қонунчилигини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳа юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Рашид Хаитов тушунтириш берди.

Таклиф этилаётган ўзгартишлар ва тўлдиришлар Ҳаво кодексининг айрим моддаларини ИКАО Стандартлари талаблари ва тавсиялари билан мувофиқлаштириш, ҳаво транспорти хизматчиларига қонунчилик орқали маълум имтиёзларни мустаҳкамлаш, ҳукуматнинг айрим ваколатларини Авиацион маъмуриятга ва айримларини Авиацион маъмуриятдан авиаташувчиларга ўтказиш мақсадида киритилмоқда.

Шунингдек, фракция аъзолари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Ичимлик сув таъминоти яхшиланди

Шофиркон туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий дастуридаги долзарб масала эди. Шу боис, туманда бу муаммони тезроқ ҳал қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тезгузар қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Сабзикор, Саволиқ, Қурама, Фуруғун қишлоқларига водопровод қувурлари тортилиб, аҳоли ичимлик суви билан тўла таъминланди.

— Биргина бу эмас, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, ХДП фаоли Абдураҳмон Шарипов, — Ш.Ҳамроев номли қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам тоза ичимлик суви муаммоси ҳал бўлди. Йил охиригача дастур доирасида Жўйробод қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Калон, Маҳаллапоён, Наврўз қўрғонлари аҳолисининг оби ҳаётга бўлган талаби ҳам қондирилади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# Инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқи кафолати




**Энди нурлар таралгайдир,**
**Ҳаққа етгай ҳар хитобим.**
**Қадр-қиммат амалдадир —**
**Йўл кўрсатар бош китобим.**

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўқиб чиқиб, беихтиёр дилимга шу шеърий сатрлар келди. Айниқса, маърузада айтилганидек, **«...юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замирида аввало Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб...»** узоқ тарих қаърига ҳам бирров разм ташладим.

Инсон пайдо бўлибдики, ҳақиқат ва адолат, ҳурлик ва холисликка интилиб келади. Шунинг натижаси ўлароқ, инсоният тараққиёти босқичида халқ иродаси, деган тушунча пайдо бўлди ва жамиятда конституциянинг илк нишоналари таркиб топди. Эрамиздан аввал қадимги Римда қўлланилган Халқ йиғини у ёки бу масала бўйича афиналиклар иродасини ифодалаган. Бундан 8,5 минг йил илгари зардуштийларнинг муқаддас китобида тавҳидга асос солинган ва маълум бир маънода «Авесто»ни Осиё халқларининг илк конституцияси дейиш мумкин.

Шу билан биргаликда қадим даврларда «конституция» ибораси сиёсий тузум маъносини англатган ва кейинчалик ҳуқуқий томондан белгилаб қўйилган давлат тузуми сифатида қўлланилган. Конституция давлат ва жамият тузилиши асосларини умумий тарзда белгилаб бера оладиган ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у халқ иродасининг мужассам ифодаси сифатида жамиятни бошқарадиган раҳбарнинг иродасидан устун туради. Конституциявий назорат эса мазкур ҳужжатнинг устуворлигини таъминлайди.

Буюк адиб ва ҳуқуқшунос Жан Жак Руссо конституциявий ҳужжатнинг вужудга келишини халқ суверенитети билан боғлаб: «Конституция фақат барча фуқароларнинг розилиги билан қабул қилиниши лозим», — деб ёзган эди. Конституциянинг моҳиятини акс эттирувчи бу шарт ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида қўлланилаётган конституциялар устуворлигини билдиради ва халқ томонидан ёки унинг номидан қабул қилинадиган муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Энг муҳими, суверен халқ ҳокимиятчилиги конституция ёрдамида ўзининг қонуний, яъни легитим ифодасига эга бўлади. Бу қонун талаблари жамиятдаги энг қуйи органдан тортиб, энг юқори ҳокимият тузилмалари томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши шарт ҳисобланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида мустабидлик домига тушиб қолган Туркистон ўлкасида «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида низом» (1886 йил) деб аталган махсус қонун қабул қилинди. Ҳақсизлик ва қулликка маҳкум қилинган халқ ана шу шафқатсиз қонун асосида бошқарила бошланди. Маданий қадриятлар топталди.

Кейинчалик ҳам халқнинг хоҳиш-иродаси, ҳақ-ҳуқуқи инобатга олинмади...

1936 йилга келиб тоталитар тузум шароитида номига Ўзбекистон конституцияси қабул қилинди. Унинг принциплари фақатгина қоғозда мавжуд бўлиб, амалда миллатни тобеликда ушлаб туришга асосланган эди. 1970 йилда қабул қилинган янги конституция ҳам маъно-мақсади билан олдингиларидан фарқ қилмас эди.

1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистонда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. 1991 йил 31 августда шўро тузумининг заҳри кетмаган, темир исканжалари ҳали бўғзимиздан тутиб турган бир пайтда Президентимиз томонидан Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди. Бу эса Президентимиз томонидан пухта ўйланиб, мамлакатни озодликка олиб чиқадиган йўллар, сиёсий-иқтисодий асослар белгиланиб олинганидан кейин рўй берган оламшумул воқеа эди.

1992 йил 8 декабрда, Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мустақил Ватанимизнинг Асосий қонуни — Конституцияси қабул қилинди. Унда Президентимиз Асосий қонунимиз дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихи, миллий ва маънавий қадриятларини ўзида мужассамлаштирганлигини асослаб берди. Мазкур ҳужжат умумий мазмунидан тортиб, оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий давридан тортиб, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас қадриятларни ҳам ўзида акс эттирган.

Ўзликни англаш, ўтмаслашган тафаккурни чархлаб Ватанга хизмат қилиш даври келди. Зеро, боқимандалик ва қўрқув сиртмоғида сақлаб келинган халқни уйғотиш, уларни Ватан озодлиги, мустақиллигига даъват этиш, бу шунчаки бизларга инъом этилган неъмат эмас, балки қанчалаб тўкилган қонлар эвазига эришилган муқаддас жараён, тарихий адолат эканлигини англатиш, ўзликни англаш жараёнида кечди. Минг йиллик томиримизда жўш ураётган буюк алломаларимизнинг қайноқ қони, муқаддас руҳи, тафаккур чароғи бизга кўмакка келди. Президентимизнинг «Уйғон элим», деган даъвати чақириқдай, бир хитобдай янграли. Китоб жавонларида саф тортган Абу Али ибн Сино, Фаробий, Навоий, Мирзо Улуғбек, Мотурудий, ал-Фарғоний, Замахшарий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз қолдирган бой адабий мерос авлодлар қалбига тафт берди, уларга ўзлигини танитди.

Соҳибқирон Амир Темур тузукларига шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат сифатида қаралди. Шунинг учун ҳам «Темур тузуклари», Навоий «Хамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбалар мазмуни ҳам конституциямиз матнига сингдирилганлиги бежиз эмас.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ўзининг узоқ ўтмишига эга. Утопиячи олим Томас Морнинг ёзишича, Ренессанс, яъни Уйғониш даврининг бош мезонига кўра инсон умрининг қадрини ҳатто дунёдаги жамики неъматлар биргаликда ташкил этадиган қийматга ҳам тенглаштириб бўлмайди. Ана шу улуғликни муҳофаза қилиш мақсадида дунё мамлакатларида XIII-XIX асрларда конституциялар пайдо бўла бошлаган. АҚШда дастлабки Конституция 1787 йилда, Бельгияда 1831 йилда, Швейцарияда 1874 йилда қабул қилинган. Шу маънода Соҳибқирон тузуклари наинки Мовароуннаҳрда, балки бутун дунёдаги дастлабки конституциялардан бири эканлигини инкор қилиб бўлмайди. «Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, — деб иншо қилган эди Амир Темур. — Токи ...толеи баланд миллатнинг шарофатини, давлат ва салтанатни сақлагайлар».

Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, адолат ва озодлик буюк Соҳибқирон ҳаётининг бош мезони бўлган. Бу тузуклар ўша даврда миллат қадриятлари асосида тузилган ва амалда қўлланилган.

Бугун дунёнинг озод ва эркин мамлакатлари сафидан муносиб ўрин олган, ҳур байроғи БМТ кошонасида ҳилпираб турган Ўзбекистон Конституцияси барча Халқаро ҳужжатларга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган ва унда умуминсоний қадриятлар мужассамдир.

Энг муҳими, Конституциямизда кафолатланган инсон ҳуқуқлари ҳимояси амалда ўз ифодасини топаётганини кундалик ҳаётимиз мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

Истиқлол имкониятлари

# Навоий — салоҳиятли саноат маскани

— Ўн олти йилки, зуғумлардан қутилиб, эркин, мустақил ишлаш, яшаш кўникмасини олдик, — **дея гап бошлади Навоий шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов.** — Ҳурликни қарангки, элимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб, оқ билан қорани, яхши билан ёмонни фарқлай олди. Хусусий мулк ўзимники, ўзимизники, деган тушунчага, ғояга эга бўлди...

7 декабрь куни Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси якунлари ҳақида сўз юритиб **«...умуммиллий тус олган мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган»**лигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қолаверса, наинки «Ижтимоий ҳимоя йили»да, балки Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли халқимиз, шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида порлоқ саҳифалар очди.

Ўтган йилларда Навоийдаги айтарли барча турар-жой бинолари кончилар, саноатчилар, кимёгар ва цементсозларга хусусий қилиб берилди. Бугун 100 дан ортиқ хусусийлаштирилган кичик корхоналар, фирмалар самарали фаолият кўрсатаяпти. Навоий кон металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» ва «Азот» очиқ турдаги акционерлик жамиятлари, ГРЭС, «Электрокимё», Машинасозлик сингари ўнлаб гигант корхоналар бунёд топди. Бир пайтлар ҳарбий мудофаага хизмат қилувчи заҳарли «изофен», «катаран» ўрнига ҳозир экологияга мақбул ва маҳаллий шароитга мос турдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Агар ўтган асрнинг 60-йиллар бошида шаҳарда нари борса 30-40 минг аҳоли яшаган бўлса, ҳозир бу афсонавий шаҳарда 100 га яқин миллат ва элатга мансуб 129 минг киши истиқомат қилмоқда. Улар 17 та мавзе ва 30 дан зиёд маҳаллада бир оила аъзоларидек аҳил, иноқ яшамоқдалар.

**— Шаҳар саноат корхоналарида бугунги янги технологиялар ва замонавий модернизация масалалари ечими қандай бормоқда?**

— Турғунлик йиллари чет эл технологияси, илғор технология ҳақида деярли тасаввурга эга эмасдик. Корхоналар марказ буйруғи билан жиҳозланарди. Ҳатто цемент заводига Олтойдан ўтга чидамли пишиқ ғишт келтирилса, кимё заводига Украинадан эҳтиёт қисм харид қилинарди. Ҳозир саноат корхоналаримиз Япония, Хитой, Италия, Олмония, Туркия, Россия, Корея сингари ривожланган мамлакатлар технологияларида ишлаяпти. Бу — иш унумини оширибгина қолмай, жаҳон бозорибоп маҳсулотлар тайёрлаш имконини бераяпти. Мисол учун истиқлолнинг дастлабки йилларида шаҳар саноатсозлигида йилига ўртача 9-10 миллиард сўм маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 45-50 миллиард сўмликка чиқиб олди. Қадоқланган цемент дейсизми, замонавий «бинтонит» дейсизми, йодланган ош тузи, тўйинтирилган ун, ёхуд қора, кўк, сариқ, оқ мармар дейсизми, турфаранг «нитрон»... ҳаммаси ўзимизда тайёрланаяпти. Мана, яқинда шаҳар аэропорти халқаро мақом олди.

**— Шаҳар саноатини янада юксалтириш, янги ишчи ўринларини очиш борасида қандай муаммолар бор?**

— Ҳар бир ҳудуд ва минтақанинг ўзига хос муаммолари бўлади. Бизни кўпдан ўйлантириб келаётган масала, бу Навоий ГРЭСи, «Азот» ишлаб чиқариш корхонаси, «Электрокимё» заводи каби қатор корхоналар модернизацияга, қайта қуришга муҳтож. Ўтган асрнинг элликинчи йиллари охирида иш бошлаган гидро электр станция бугун ускуналари эскиргани боис тўла қувват билан ишлай олмаяпти. Шунингдек, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш заводлари ишида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Биз уларни ҳал этиш чораларини кўраяпмиз.

**— Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.**

— Аҳоли манфаати ва унинг ижтимоий муҳофазаси йўлида барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Масалан, бугун шаҳримиз аҳли тоза Дамхўжа сувини ичаяпти. Янги оила қурганларни уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Иш билан бандлик, айниқса, хотин-қизларни касаначилик ва тўқувчиликка жалб этишга катта аҳамият берилаяпти. Кейинги бир йилда саноат корхоналари кўмаги билан 500 га яқин хотин-қиз ўз турар-жой ва хонадонларида шартнома асосида касаначиликни йўлга қўйишди. Йил охиригача яна 300 нафар аёлни бу хайрли ишга жалб этамиз...

2008 йил мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Шаҳримизда ёшлар жуда кўп. Уларни ҳаётда ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи бутун шаҳар жамоатчилигининг диққат марказида бўлади. Ҳар бир йигит-қизнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини пайқаш, рўёбга чиқариш ҳамда бетиним ғамхўрлик қилиб бориш — энг асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

**Суҳбатдош:**
**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

# Электорат манфаатлари

## партия кенгашлари диққат марказида

Икки йилга яқин давр мобайнида ЎзХДП маҳаллий кенгашлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фуқароларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бормоқда. Тошкент шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарига йил бошидан буён турли масалалар билан мингдан зиёд мурожаат тушди. Уларнинг аксарияти коммунал хизматлар, бандлик, шунингдек, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш масалалари фаолияти билан боғлиқ. Мурожаатларнинг аксарияти партия кенгашлари масъул ходимлари саъй-ҳаракатлари, депутатларнинг кўмаги, маҳаллий давлат органларининг аралашуви натижасида ижобий ечим топаяпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида, айниқса Юнусобод (39), Яккасарой (38), Чилонзор (30), Сергели (26) ва Миробод (23) туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига кўплаб мурожаатлар бўлаяпти. Ўтган ойнинг ўзида Бектемир, Сергели ва Яккасарой туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари Н.Кайназарова ва Х.Маменовнинг ишга жойлашиши, «Чоштепа» маҳалласида ичимлик суви қувурларини таъмирланиши, Усмон Носир кўчаси биринчи тор кўчада яшовчи аҳолини электр қуввати билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатдилар. Шунга ўхшаш мисолларни барча Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидан келтириш мумкин.

Жамоатчилик қабулхоналарига алоҳида хоналар ажратилгани, телефон билан таъминлангани, у ерда очиқ мулоқот ва суҳбат учун шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса уларнинг партия ташкилотларимизга бўлган ишончни ошишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда одамлар Жамоатчилик қабулхоналарига фақат муаммолар билан эмас, балки партия ҳаёти, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишиш, кенгаш иши ҳақида маълумот олиш, улар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар билдириш учун ҳам келмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўзаро бирбирини тўлдирмоқда. Электоратимиз ижтимоий манфаатларига хизмат қилмоқда.

**Маҳмуджон ТОИРОВ,**
**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари**

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши** Конституция куни муносабати билан Гулистон давлат университети қошидаги 2-академик лицейда «Ёшлар ва сиёсат» мавзуида семинар ташкил қилди. Тадбир давомида Асосий қонунимиз юзасидан тузилган саволлар бўйича ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги синовдан ўтказилди ва ғолибларга ўқув қуроллари, китоблар совға қилинди.

**Сирдарё вилоят кенгаши** фаоллари Охунбобоев маҳалласидаги Мурувват уйида бўлишиб, бу ердагилар ҳолидан хабар олишди.

— Юртимизнинг ҳар бир фуқароси давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборида экани Конституцияда белгилаб қўйилган. Бу эса халқимизга хос фазилатдир, — дейди вилоят партия кенгаши раиси А.Тошматов.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎзХДП: электорат манфаати

**Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан қатор сиёсий-ижтимоий тадбирлар ўтказди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов қуйидагиларни гапириб берди.**

# Эътибор

## кўнгилни шодлантиради

— Тадбирлар доирасида фаолларимиз ҳудуддаги ногирон болалар, қариялар, меҳнат ногиронлари, ҳимоятолаб кишилар билан учрашдилар. Уларга ҳомийлар кўмаги билан ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари тақдим этилди.

Учкўприк туман партия кенгаши байрам муносабати билан 30 нафар ногирон, туман Кенгаши депутатлари У.Саидов, С.Сиддиқов, М.Содиқовлар 14 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож оила ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, улар ўқув даргоҳларида бўлиб, Асосий қонунимизнинг ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш ишларида фаол қатнашдилар. Бешариқ туман партия кенгаши аъзолари, фаоллари, депутатлар К.Шодиев, Ш.Абдуллаев, Н.Ғаффоровлар ногирон фарзандлари бор 18 оилада бўлиб, уларга ҳомийлар тақдим этган турли ўқув қуроллари, китобларни топширишди. Фарғона туман кенгаши ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида 10 нафар ижтимоий ҳимояга мутҳож ногирон фуқароларни ўз қарамоғига олган эди. Йил давомида ушбу фуқароларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, яна 10 нафар ногиронга моддий ёрдам кўрсатилди. Риштон туман кенгаши 100 ёшдан ошган онахонлар — Қурбонбуви Ҳалимова ва Норинисо буви Султоновалар иштирокида «100 билан юзлашганлар» мавзусида Жалаер қишлоқ фуқаролар йиғинида тадбирлар ўтказиб, мўътабар ватандошларимизга туман кенгашининг эсдалик совғаларини топширди. Бувайда туман кенгаши туман марказида 200 нафардан ортиқ ногиронлар иштирокида ўтказган тадбирда 58 нафар ногиронга совға-саломлар улашди. Фарғона шаҳар кенгаши Қодирий ва Нодирабегим номли маҳаллалардаги бир гуруҳ ногирон болани қишки кийимлар билан таъминлади.

Бу каби тадбирлар партия ташкилотларимизда фақат байрам арафасидагина эмас, балки йил давомида изчил ўтказилаётир. Бу эса «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда, партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда, партия хайрихоҳлари ошишида муҳим омил бўлмоқда. Эҳтиёжманд аҳолини, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларга жамиятда ўз ўринларини топишда кўмак бериш халқимизга хос гўзал фазилат бўлиб, бу Асосий қонунимизда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳар бир фуқаро меҳнат лаёқатини йўқотганида, боқувчисини, шунингдек, саломатлигини йўқотганида, эҳтиёжманд ҳолатда қонунда белгилаб қўйилган ижтимоий таъминот олишга ҳақлидир.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# Маҳсулот тури кўпаймоқда





**Суратларда:** *тикувчи Гулчеҳра Абдуохунова; (чапдан) тикувчилик цехи катта устаси Ойимча Жўраева ва тикувчи Дилноза Зулфиқорова маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.*

Пахтаобод туманидаги «Маданият интернешнл» масъулияти чекланган жамияти Р.Тешабоев ва Ҳ.Муҳамедов каби ҳомийлар саъй-ҳаракати билан аввалги иқтисодий мавқеини тобора ошириб бормоқда.

Ҳозир бу ерда етти турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Корхонада ҳар ойда ўртача 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 10,5 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

— Жамиятимиздаги ишлаб чиқаришдан олинаётган даромад ҳисобидан янги технологик жиҳозлар сотиб олиш, маҳсулот сифатини жаҳон андазалари даражасига етказиш, ишчиларга қулай шарт-шароит, янги иш ўринлари яратиш ҳамда маҳсулот турини кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Қодиржон Тешабоев. — Шунингдек, экспортбоп маҳсулот тайёрлаш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Акс-садо

**Мамлакатимиз пойтахтидаги ички йўллар ҳақида ёзилган «Ораста шаҳарнинг равон йўллари» сарлавҳали мақолани ўқигач, касбим йўлсоз бўлгани учун корхонамиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилишни ният этдим.**

# Йўл қур, кўприк сол,

## умринг узаяди, дейди кексалар. Ҳақ гап!

Дарвоқе, йўл қуриш, кўприк солиш дунёда энг савоб ишлардан экани ҳадисларда ҳам айтилган. Уларни кимлардир қурса-да, бутун халққа беминнат хизмат қилади. Шу маънода, таъкидлаш керакки, ҳукуматимиз йўл ва кўприклар қурилишига бениҳоя катта эътибор бериб келмоқда.

2006 йилнинг ноябрида Қашқадарёдаги Косон ҳамда Сурхондарёдаги Каттақум махсус йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари негизида Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси (ХДААЙСИТФК) ташкил этилди. Орадан бир ойча ўтиб, аниқроғи, жорий йил бошидан иш юритган корхонамиз ҳозир асосан республикамизнинг Жанубий ҳудудлари — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари оралиғидан ўтувчи 762 километр узунликда халқаро ҳамда 3357 километр масофага чўзилган давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларини сақлаш ва фойдаланиш учун хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қайд этилган ва Қашқадарё вилоятида барпо этилиши лозим бўлган йўл қурилиши объектларини тендер савдосида ютиб чиқиб, дастлаб 4Р87 «Ғузор — Чим — Кўкдала» автомобиль йўлининг (тендер баҳоси 2725,5 миллион сўм) 58-73 километрлари оралиғини ярим йилда қайта қуриб чиқдик. М-39 «Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг 1260-1279, 1289-1315 километрлари қурилишини ҳам (тендер баҳоси 5325,0 миллион сўм) барвақт уддалаб, А-378 «Самарқанд — Қарши» йўлининг 62-67 километрларида капитал ремонт ишлари олиб бордик.

Жамоамиз шу йил бошида Республика йўл жамғармаси билан Қашқадарё вилоятида қиймати 877,0 миллион сўмлик 40 километрлик узунликдаги йўлларни ўрта таъмирлаш бўйича шартнома тузганди. Бугунгача шартнома топшириқлари муваффақиятли бажариб бўлинди. Худди шундай келишувимиз Сурхондарё вилоятида ҳам (қиймати 1198,8 миллион сўм бўлган 33 километр узунликда) ниҳоясига етди.

Шунингдек, ўтган давр ичида йўл минтақасини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Йўлларнинг четларига 77,8 миллион сўмлик ҳажмда 4 минг тупдан зиёд сосна, можевельник сингари дов-дарахтлар ўтқазилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл хўжаликлари моддий-техник қувватини ошириш тўғрисида»ги фармойиши юзасидан тузилган комиссия корхонамизнинг 2007-2010 йиллар давомида моддий-техник базасини мустаҳкамлашга оид лойиҳа ишлаб чиқиб, уни бугунги кунда «Ўзавтойўл» ДАКга тақдим этди.

Кўриб турибсиз, ишларимиз кўлами жуда кенг ва залворли. Биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида йил охиригача халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларда 16001,3 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини адо этамиз. Бундан ташқари «Тошгузар — Қумқўрғон» темир йўли ва Деҳқонобод калий ўғитлари заводи йўллари қурилишларида 5000,0 миллион сўмлик йўл қурилиши жадал давом этаяпти...

Буларни бажариш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун кўп миқдорда ҳар хил йўл қурилиши механизмлари ва турлича русумли автотранспорт воситалари зарур. Шу мақсадда лизинг шартномалари асосида кредит ҳисобига 17 дона замонавий катта юк машиналари — автосамосваллар харид қилдик ва ҳозиргача олинган кредитни тўла қайтариб улгурдик.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Бизда олдинлари 30 фоизгача ишларимиз харажатларини автотранспорт харажати ташкил этарди. Кейин биз «Қашқадарёавтотранс» бирлашмаси билан ҳамкорликда иш тутиб, масалани ижобий ҳал этиш йўлларини қидирдик. Бугунги кунда транспорт харажатлари тафовути тўла барҳам топди. Бу каби саъй-ҳаракатларда жамоамизнинг барча ишчи-хизматчилари — хусусан, бош муҳандисимиз Жамол Қулаҳмедов, марказий лабораториямиз фидойиси Юсуф Тошевларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Мен бу мақолада кўпдан-кўп рақамлар келтиришимдан мақсад — ҳукуматимиз мустақиллик йилларида чиндан ҳам мамлакат йўлсозлигига катта эътибор бераётгани ва юрт ободлиги учун маблағни аямаётганини алоҳида таъкидлашдан иборат. Эътиборли жиҳати, йўлсозлик доираси кенгайгани сари жойларда юзлаб-минглаб янги иш ўринлари вужудга келаяпти, Бандлик дастури ижроси босқичма-босқич таъминланаяпти, аҳоли манзилгоҳларида янги-янги хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари пайдо бўлаяпти, пировардида, бу — аҳолига катта қулайликлар туғдирмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида янги қон томирлар — йўллар яратилиб, улар элимиз, юртимиз равнақига равнақ қўшмоқда.

Биз, йўлсозлар ана шу ишларда баҳоли-қудрат ўз ҳиссамиз борлиги ва йўл қуриш савоб иш эканлиги билан фахрланамиз. Кексаларнинг йўл қур, кўприк сол, умринг узаяди деган ҳикматли гапи бежиз айтилмаганига иймон келтирамиз.






**Нормурод ЙЎЛДОШЕВ,**
**Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларни сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори.**

## XORIJDA

Африка ва Европа:

## Лиссабондаги «тарихий» саммитда жанжал

**Португалия пойтахтида ўтган ЕИ-АИ (Европа Иттифоқи — Африка Иттифоқи)нинг иккинчи саммити европалик ва африкалик иштирокчилар ўртасида кескин тус олган келишмовчилик билан тугади.**

Анжуманнинг ёпиқ йиғилишида Зимбабве президенти Роберт Мугабе Европани «беписанд қўполлик»да айблади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. У бу борада алоҳида «ибрат» кўрсатаётган ЕИ аъзоларини «тўрт қароқчи» деб таърифлади. Зимбабве президенти бу мамлакатларни Лиссабонга Мугабе келиши муносабати билан саммитга ташрифдан воз кечган Британия бош вазири Гордон Браун маърузасидаги позиция принципларини қўллаб-қувватлаётганлар сафига қўшди.

«Германия, Швеция, Дания ва Нидерландиядан иборат бу тўрт мамлакат Зимбабведа инсон ҳуқуқларига ҳурмат йўқлигини танқид қилдилар, — деб эслатиб ўтди Зимбабве раҳбари. — Гордончи тўрт қароқчи Зимбабвени бошқалардан кўра яхши билишларини айтишди. Бу — беписанд қўполлик ва манманлик бўлиб, биз доимо қарши кураш олиб бораётган қусурдир...»

Пировардида, Африка мамлакатлари ЕИ билан шерикчилик шартномалари тузишни рад этишди.

## Японияда NHK телекомпанияси вертолёти қулаб тушди



**Kyodo News хабар қилишича, NHK давлат телекомпанияси ижарага олган All Nippon Helicopter COга тегишли «Eurocopter EC-135» вертолёти қулаб тушган. Натижада бир киши — учувчи ҳалок бўлган, борт механик жароҳат олган.**

Вертолёт маҳаллий вақт билан эрталаб соат 11.00 да Сидзуока шаҳридан унча узоқ бўлмаган қўлтиққа қулаган. У Осакадан Токиога учаётган бўлиб, маҳаллий аэропортга ёнилғи қуйиб олиш учун қўниши керак эди. Бунга қадар учувчи вертолётда аллақандай носозлик рўй берганини хабар қилганди. Ҳозирча қандай носозлик содир бўлгани ва ҳалокат сабаби айтилмаяпти.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

*қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | Самарқанд вилояти, Тайлоқ қўрғонидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳудудининг тўсин девори қурилиши | 5 ой |

**Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** *Самарқанд вилояти, Тайлоқ қўрғони, ЎзВИТИ биноси.*
*Телефон: (8-366) 230-01-10, факс: 230-01-12.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилояти, Тайлоқ қўрғони, ЎзВИТИ биносида ўтказилади.

## Иқтисод ва ислоҳот

BANK
XALQ BANKI

**Халқ банки мамлакатимиздаги йирик тижорат банкларидан бири ҳисобланади. Банк ҳозир мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги мижозларга намунали хизмат кўрсатиб, мижозлар ишончини қозониб келмоқда. Банк филиаллари томонидан эришилаётган ютуқлар ҳамда мижозларга яратилаётган қулайлик ва имкониятларни банкнинг Тошкент шаҳар филиаллари фаолияти мисолида ҳам яққол кўрса бўлади.**

# Мижозга эътибор — муваффақият гарови!

— Юртбошимизнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деб номланган китобларида, — деб гап бошлади Тошкент шаҳар Халқ банки филиали бошлиғи Олимжон Нурматов. — «Ҳар бир давлат пул, банк, молия сиёсатини ўз қўлига олмаса, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлолмайди. Бу ҳаммамизга аён. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликка эришган ҳар бир давлат ҳам шундай йўл тутган».

— Дарвоқе, Ўзбекистонда шундай йўл тутилди, — деб суҳбатни давом эттирди филиал бошлиғи, — Республикамизда одилона пул-кредит сиёсатининг олиб борилишига эришдик. Иқтисодиётимиз ривожи замон талабларига мос равишда шакллантирилди. Мана, ўн олти йилки, тижорат банклари, шу жумладан, Халқ банки барча мижозларга шунингдек, доимий мижози бўлган аҳолининг фаровонлиги, бахт-саодати ва унинг улуғвор манфаатларига хизмат қилиб келмоқда. Вақт ўтган сари ривожланишга ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашга эришаяпмиз.

Филиал бошлиғи берган маълумотларнинг манбаларидан маълум бўлдики, пойтахт Халқ банки филиаллари жорий йилнинг ўтган даврини ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли якунламоқда.

Хусусан, 2007 йил давомида Тошкент шаҳар Халқ банки филиаллари мижозларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, банкнинг капиталлашув даражаси ва унинг барқарорлигини таъминлаш борасида қатор мақсадли тадбирларни изчил амалга оширди. Пировард натижада, банк активлари 16,0 млрд. сўмга яқин миқдорга ортди, активларнинг 93 фоизи даромад келтирувчи активлар улушига тўғри келади. Банк филиалларидаги жалб қилинган аҳоли депозитларининг қолдиғи йил бошига нисбатан 8,0 млрд. сўм ортиб, ҳозир 28,0 млрд. сўмдан ортиқ миқдорга етказилган. Депозитлар қолдиғининг 97,7 фоизи миллий валютада қабул қилинган маблағлар улушидир. Ўзаро манфатдорлик асосида жорий этилган депозит турлари орқали омонатчиларга яратилган қулайлик ва имкониятларни тарғибот қилиш натижасида омонат қолдиғи таркибидаги муддатли ва жамғарилувчи депозитларнинг улуши 72 фоиз бўлди.

Жорий йилда мижозларга тақдим этилган 20га яқин янги омонат турларига қисқа фурсатда 18,7 млрд. сўм аҳоли бўш пул маблағлари жалб этилди. Шуни алоҳида айтиш жоизки, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб белгиланган 2007 йилда банк томонидан жорий этилган «Матонат», «Маҳалла фидойилари» ва «Ёш оила» каби омонат турларига омонатчилар қизиқиши катта бўлди. Шу билан бирга фойдаланилган коммунал тўловлар ҳақини ҳар ойда Халқ банкида очилган омонат учун ҳисобланувчи фоиз даромади ҳисобидан тўлаб келаётган омонатчиларни банкнинг «Маиший хизмат» омонат турига ўз маблағларини қўйиши кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўз навбатида, мижозларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш эвазига шаклланган ресурслар ҳисобига янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда хориждан ихчам ускуналарни харид қилиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳамда аҳолининг истеъмол бозорини кредитлашга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида жорий йилда банк томонидан мижозларга 4,0 млрд. сўмга яқин кредит ажратилиши таъминланди ва ажратилган кредитлар ҳисобидан 1325 та янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда банк филиалларининг кредит қўйилмалари қолдиғи йил бошига нисбатан 2 бараварга оширилди.

«Ёш оилалар»ни ҳар томонлама моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда 450 дан ортиқ мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оила аъзоларининг уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган тадбирлар учун 1,2 млрд. сўмдан ортиқ ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Банк филиалларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида иш берувчилар билан ҳамкорликда тегишли ибратомуз ишлар амалга оширилиб, улар томонидан тақдим этилган реестрларга асосан 950000 га яқин фуқароларни шахсий жамғариб борилувчи ҳисоб варақларини очилиши таъминланди ва ҳозир тизимнинг ҳар бир иштирокчисига тўхтовсиз банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Банк филиалида нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилган мақсадли тадбирлар натижасида жорий йилда банк кассаларига 200,0 млрд. сўмга яқин нақд пул кирим қилиниб, ушбу маблағлар мижозларнинг нақд пулга талабини қондиришга ва эҳтиёждан ортиқча нақд пуллар белгиланган тартибда Марказий банкка топширилди.

Ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида берилишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Жорий йилда кам таъминланган оилалар, вояга етмаганлар ва кўп болали оналар ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган 2 ёшгача фарзанди бор оилаларга давлат томонидан ажратилган 50,0 млрд. сўмга яқин нафақа пулларининг вақтида нақд пулда берилиши ўз ижросини топди. Шунингдек, хорижий валюта билан ишлаш амалиётида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, «Western Union», «Travelex» ва «Contact» халқаро тўлов тизими орқали минглаб фуқароларининг хорижий валютадаги пул маблағларини Ўзбекистонга ва мамлакат ташқарисига ўтказиш амалиётлари учун барча имкониятлар яратилди.

Банк филиалларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш борасида корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари ойлик маошларини пластик карточкалар орқали бериш муваффақиятли йўлга қўйилмоқда. Хусусан, 2007 йилда банк филиаллари муомалага чиқарган пластик карточкалар сони 21100 тани, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 511 тани ташкил этмоқда. Муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг 42 фоизидан ортиғи иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган рақамлар шуни кўрсатадики, пойтахт Халқ банки филиаллари банк тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳукумат дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Халқ банки — менинг, сизнинг, унинг... демак, аҳолининг барча тоифаси учун доим хизматга тайёр эканлиги амалга оширилаётган ишлардан яққол кўриниб турибди.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.** t

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

**Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**2008 йилда қуриладиган қуйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

***ЛОТ 6. МУКАММАЛ ҚАЙТА ҚУРИШ***

***Лот 6-1. Шофиркон тумани, «Султонжўра» ҚФЙдаги 140 ўринли «Олимпия захиралари» мактаб-интернати.***

***Лот 6-2. Шофиркон тумани, «Жўйработ» ҚФЙдаги 510 ўринли 22-мактабда қўшимча 270 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.***

***Лот 6-3. Шофиркон тумани, «Денов» ҚФЙдаги 500 ўринли 23-мактабда қўшимча 270 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки қурилиши.***

***Лот 6-4. Шофиркон тумани, «Чандир« ҚФЙ «Қурбонли» қишлоғидаги 44-мактабда қўшимча 180 ўринга мўлжалланган янги ўқув блоки қурилиши.***

Қурилишни тугатиш муддати — 2008 йил 1 август.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

***Буюртмачи:*** *Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.*

***Манзили:*** *Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй.*
***Факс:*** *223-63-23, тел: 223-63-26.*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни мукаммал таъмирлаш бўйича ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки ҳатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.***

***Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

☑ 2008 — «Ёшлар йили»

# Истиқлол фарзанди

## Президент стипендианти самарқандлик Феруза Рафиева ҳақида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича шу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлган Феруза Рафиева катта орзу ҳаваслар билан яшаётган иқтидорли ёшлардан эканини ўз илмий изланишлари билан исботламоқда. У Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида оддий ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни 2004 йилда аъло баҳоларга якунлаб, шу йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг касб таълими (агрономия) йўналишига ўқишга кирди. Бугунги кунда у қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Иброҳим Эргашев раҳбарлигида «Вируссиз асосда ташкил этилган картошка уруғчилиги» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

— Айнан шу мавзуни танлашимга сабаб битта: у ҳам бўлса, қишлоғимизда асосан картошка етиштирилади, одамларнинг оладиган даромади ҳам бевосита картошка ҳосилдорлиги билан боғлиқ. Институтга кирганимда илмий раҳбаримнинг шу соҳа бўйича олиб борган ишларига қизиқиб, мазкур мавзуни танладим, — дейди Феруза биз билан суҳбатда. — Чунки вируссиз асосда ташкил этилган уруғдан картошка етиштириш ҳосилдорликни 30 % га оширади. Ундан ташқари соғлом уруғларни кўпайтириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида долзарб бўлиб турган муаммо – уруғчилик фонди танқислигининг ҳам олдини олади. Тажриба хўжалигидаги илмий изланишларда қатнашиб, бу усул ўта самарали эканлигининг амалдаги исботини кўрганман. Қолаверса, вируссиз асосда картошка уруғчилигини ташкил этиш Германия, Польша, Россияда кенг йўлга қўйилган. Илмий раҳбарим шу соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, докторлик, профессорлик ишларини ёқлаган...

Бугунги кунга қадар Ферузанинг 10 дан ортиқ илмий мақолалари республикамиздаги аграр соҳага оид нуфузли журналларда ва конференция тўпламларида чоп этилган. У кафедрада фаолият кўрсатиб келаётган «Генетика» илмий тўгараги аъзоси сифатида доимий равишда муаммоли ва мулоҳазали маърузалар билан чиқиш қилади. 2006 йилнинг 14 март куни Феруза Самарқанд давлат университетида ўтказилган магистрантларнинг VI илмий анжумани «Табиий фанлар» шўъбасида маърузаси билан қатнашиб совринли 2-ўринни, шу йилнинг 11-12 май кунлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган иқтидорли талабаларнинг «Аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги илмий конференциясининг «Агрономия» шўъбасида 1-ўринни эгаллади. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги Фармонига биноан таъсис этилган «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 15 YIL» эсдалик нишони билан тақдирланди. Иқтидорли талаба ўз она тилидан ташқари немис, рус ва тожик тилларини яхши билади. Илмий тадқиқоти жараёнида ана шу тиллардаги қўшимча адабиётлардан ҳам кенг фойдаланиб келмоқда.

— Мен фақат шу илмий ишим билан бу стипендияга сазовор бўлдим, деб билмайман. Тўғри, бу мавзу ўта долзарб ва келажакда иш берадиган, илмий асосланган тадқиқот. Агар ота-онам, акаларим менга ёрдамлашмаганида бу ишни бир ўзим уддалолмасдим. Айниқса, отамнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман. Чунки улар келаси йили ҳам картошкани айнан шу усул – вируссиз асосда экишимизни айтдилар. Бошида шундай кўчат ўстириб, ундан катта ҳосил олса бўлади десангиз, ҳеч ким ишонмасди. Деҳқонлар буни ўз кўзи билан кўргач, уларда энди қизиқиш уйғоняпти. Илмий ишим одамларга наф келтираётганининг ўзи — мен учун энг олий мукофот.

Феруза мулоҳазали ва асосли фикрлайдиган, келажакка катта умид боғлаган қиз. У келгусида магистратурани тамомлаб, генетика, селекция ва уруғчилик кафедрасида аспирантурани ҳам шу мавзу бўйича давом эттирмоқчи. Бу ишнинг янги қирраларини очиб, амалиётга татбиқ этиш учун илмий-амалий педагог бўлиш орзусида. Мамлакатимиз фаровонлигини, тўкинсочинлигини таъминлаш учун ҳеч иккиланмай янгиликка интилаётган Ферузанинг орзуниятлари бир дунё.

— Кечагина Президентимиз маърузаларини телевизор орқали бир гуруҳ курсдошларим, устозлар даврасида кўриб ўтирган эдик. Юртбошимиз ўтаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг сарҳисоби жуда улкан эканлигини ҳаётий мисоллар орқали бирмабир таҳлил этиб бўлганларидан сўнг... ҳаммамиз ҳаприқиб, энтикиб янги йилни қандай номлар эканлар, деб кутиб тургандик. Кутилмаганда «2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилишни таклиф этаман!» деганларида ишонасизми, ҳаммамиз ҳайқириб юбордик. Буни биз ёшларга, камолот сари интилаётган мустақиллик, истиқлол фарзандларига бўлган ишонч намунаси деб биламан.

**Гулгун СУЛТОНОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

☑ Тадбир

# Конституция — бахтимиз пойдевори

*Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, ота-оналар ва жамоатчилик ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан бу ишлар кўлами янада кенгайди. 2001 йилдан бошлаб Республика Халқ таълими ва Адлия вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.*

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида кўрик-танловнинг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда йиғилганлар совриндорларни қутлаб, Асосий қонунимизнинг ўқувчи-ёшлар ва ҳар бир шахс ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирдилар. Танлов низомига асосан олти йўналишда 12 нафар ўқувчи ғолиб деб топилди.

Улардан бири Нилуфар Расулова пойтахтимиздаги 302-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Ушбу танловда қатнашиб, ҳуқуқий билимим ошди. — Унга тайёргарлик давомида Конституциямизнинг энг аввало мазмун-моҳиятини ўргандим. Бош қомусимиздаги инсонпарварлик ғоясининг устунлигини чуқур англаб, ёзган иншомда акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

☑ Тиббиёт

# Деновлик олийҳиммат шифокорлар —

## Сурхондарё вилоятида ягона бўлган «Тиббий ташхис маркази»ни бунёд этишди



Айни кунларда 300 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Деновда 50 га яқин турли шифохона, қишлоқ врачлик пункти, кўплаб соғломлаштириш масканлари фаолият кўрсатмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан туман марказида икки қаватли хусусий «Тиббий ташхис маркази» фойдаланишга топширилди. Вилоятда ягона ҳисобланган мазкур марказ қурилишига 200 миллион сўм маблағ сарфланган.

— Таниқли шифокорлар оиласи ушбу масканни бунёд этишди, — дейди унинг очилиш маросимида сўз олган туман ҳокими Абдусамад Ҳожиқулов. — Хуррам Худойқулов ҳамда унинг турмуш ўртоғи Эътибор Хўжаевалар шундай эзгу ишга қўл урдилар.

— Марказда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган тиббий ускуналар ўрнатилди, — дейди бош шифокор Хуррам Худойқулов. — Инсон соғлиғини ҳимоя қилиш энг улуғ савобдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, савоб ишни ҳар биримиз, ҳар доим қилишимиз керак. Бу ерда нафақат туман аҳолиси, балки вилоятимиз аҳли ҳам ўз саломатликларини тиклашлари мумкин. Шу кунларда бу масканда 15 нафар тиббиёт ходими фаолият юритяпти. Янги йилдан эътиборан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси билан ҳам алоқаларни йўлга қўймоқчимиз. Шунда тиббий хизматчилар сони 30 нафарга ошади, тиббий хизмат сифати янада ортади.

— Бу ерда Германия, Сингапур, Россия, Хитойдан келтирилган тиббий жиҳозлар ва беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини кўриб, очиғи, марказдаги шифохоналардан фарқ қилмас экан, деган фикрга келдим, — дейди мижозлардан бири Йўлчибой Жумаев. — Беморлар учун барча қулайликларга эга 10 ўринли ётоқхона, лаборатория, жарроҳлик хоналаридан кўнглим тўлди. Ана шундай олийҳиммат инсонлар доим бор бўлсин...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




**Суратларда:** бош шифокор Хуррам Худойқулов беморни тиббий текширувдан ўтказмоқда; «Тиббий ташхис маркази»нинг умумий кўриниши.

**Муҳаммади ЖУМАЕВ олган суратлар.**

☑ Спорт

# Чемпион — Ўзбекистон кубоги соҳиби



Якунланаётган йил Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари учун ҳар қачонгидан-да муваффақиятли келди. Дастлаб январь ойида Москвада ўтган анъанавий МДҲ кубоги халқаро турнирида бош совринни қўлга киритган пахтакорчилар мамлакат XVI миллий чемпионатида ҳам тенгсиз эканликликларини исботлашди. Ўттиз учрашув — 26 ғалаба, 4 дуранг! Саккизинчи маротаба мамлакат чемпионлигига сазовор бўлган «Пахтакор» футболчилари Ўзбекистон кубоги баҳсларининг финалига йўлланма олди.

Финалда пахтакорчилар мавсум кашфиёти бўлган «Қурувчи» (Тошкент) жамоасига қарши майдонга тушдилар. Шиддатли ёмғир остида кечган ҳал қилувчи баҳснинг асосий ва қўшимча вақтида ҳисоб очилмади — 0:0. Натижада Ўзбекистон кубогининг навбатдаги соҳиби пенальтилар серияси орқали аниқланди. Унда омад яна пахтакорчиларга кулиб боқди — 7:6.

# Терма жамоа Қирол кубогида қатнашади



Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2008 йилда жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида иштирок этади. Бу баҳсларда муваффақиятли қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган футболчиларимиз мусобақаларга тайёргарликни шу ойдан бошлашмоқда.

Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган миллий терма жамоа аъзолари 23-30 декабрь кунлари Таиландда ўтказиладиган «Қирол кубоги» халқаро турнирида қатнашади. Бир ҳафта давом этадиган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Таиланд, Ироқ, КХДР терма жамоалари ҳам майдонга тушадилар.

Терма жамоа бошлиғи Вадим Абрамовнинг таъкидлашича, ушбу мусобақада мутахассислар тажрибали футболчилар билан бир қаторда янги номзодларни ҳам кўрикдан ўтказишни режалаштиришмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО**


**Ташкилот ишлатилган қуйидаги жиҳозларни нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан**

**СОТАДИ**

| Т/р | Жиҳоз номи | Русуми | Сони (дона) | Бошланғич нархи, сўм | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | ХШ-12 | 1 | 1 299 822 | ишчи ҳолатда |
| 2. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | ХШ-12 | 1 | 742 755 | таъмирталаб |
| 3. | Электр плита | ЭПМ-3М | 1 | 256 528 | ишчи ҳолатда |
| 4. | Мажлислар зали ўриндиқлари | (театрга мўлжалланган) | 283 | 63 204,12 | яхши ҳолатда |

**Маълумот учун телефонлар: 139-18-49, 139-11-98.**

ЭЪЛОН

2007 йил август ойида Марказ-13, 30-уй, 19-хонадоннинг Хайтенова Салима Гуламовна номига берилган 10-622/2004 рақамли кадастри йўқолгани сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош гематологи, академик Саиджалол Баҳрамовга акаси ва институт маслаҳат поликлиникасининг мудири Хурпошша Баҳрамовага умр йўлдоши
**Боғдод БАҲРАМОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


*Нуфузли халқаро «The Banker» журнали*

**Акциядорлик тижорат «Пахта банк»ни**

«Ўзбекистоннинг 2007 йилги энг яхши банки»
деб эътироф этди, шунингдек,
«Пахта банк»
Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида
«Fitch Rating»
халқаро рейтинг компаниясининг **«Барқарор»** тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банкдир.

«Пахта банк» — бу пойтахтдан бошлаб давлатимизнинг чекка ҳудудларигача ўзининг филиалларига эга бўлган йирик банкдир.

«Пахта банк» — бу 77 000 дан зиёд акциядорларига ҳамда 460 000 га яқин мижозларга хизмат кўрсатувчи ишончли ва универсал банкдир.

Банк хизматларида чегара йўқ!
Сизни мижозларимиз орасида кўришдан хурсандмиз!

*«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!*



**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


T — 1150
7929 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda